<u> Узбекистон</u> — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

12 сентябр сешанба

Сотувда эркин нархда

## ОКСАРОЙДА КАБУЛ

11 сентябр куни Оқсарой қароргохида АТП Тур ижрочи директори Марк Майлзни қабул қилди.

Юртимизда Президент кубоги учун анъанавий халкаро геннис мусобакалари бошланди. Давлатимиз рахбари мехмон аввало ушбу турнирда шахсан иштирок этиш учун Узбекистонга ташриф буюрганидан мамнуният билдирди. Узбекистонда Президент кубоги учун халқаро теннис мусобоқалари еттинчи бор утказилмоқда. Айтиш жоизки, унинг халқаро доирадаги нуфузи йил сайин ошиб бораё-

гир. Жахоннинг кузга куринган профессионал теннисчи лари ва мутахассислари турнирга жуда юкори бахо бераётгани сир эмас. "Юнусобод" спорт мажмуида хар йили дунёга машхур теннисчилар куч синашади. Кувонарлиси, бу яхши анъанага айланиб бормокда. Қолаверса, юртимиз довруги жахон бўйлаб янада кенг кулоч ёйишида ушбу мусобақаларнинг ахамияти катта. Айни пайтда юр-тимиздан мохир теннисчилар етишиб чикаяпти. Бу ютукларда АТП Турнинг муносиб хиссаси бор.

Бўлиб ўтган сухбат чогида мазкур халқаро спорт ташкилоти билан ўзаро хамкорлик алокаларини янада ривожлантириш билан боглик масалалар мухокама этилди.

# ЖАХОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

<u> ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА\ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Мингйиллик саммити" деб ном олган сессиясида иштирок этди

БМТ ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун туради. Асримиз бошида Миллатлар лигаси сифатида фаолият бошлаган бу ташкилот иккинчи жахон урушидан кейин хозирги номни олди. Унга ўшанда 51 мамлакат аъзо эди. Хозир БМТ 188 мамлакатни бир-


Иккинчи жахон уруши миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди. Шу боис, БМТ аввало урушларнинг олдини олиши керак. Бунинг учун дунёнинг барча нуқталарида мавжуд вазиятдан бохабар бўлиш, келиб чиқиши мумкин бўлган можароларни олдиндан кўра билиш, кескинликни юмшатиш лозим. Дунёда тинчликни шу орқали таъминлаш мумкин

БМТнинг қолган вазифалари хам бевосита уруш ва тинчлик билан боглик. Бу инсон хукукларини химоялаш ва мамлакатлар ривожини мувофиклаштиришдир. Инсон хукуклари поймол этиладиган мамлакатда вазият барқарор бўлиши қийин. Шу билан бирга, уруш бўлган жойда тинч ахолининг жабр кўриши, яъни инсон хукуклари поймол этилиши муқаррар. Мамлакатларнинг иктисодий, сиёсий, ижтимоий тараккиётидаги тавофутлар хам маълум даражада вазиятни издан чиқаради. Кучлирок мамлакат камкувватроги устидан хукм юритишга интилади. Бир мамлакат бирор жихатдан бўйсундирилгандан кейин, кейингисига тазйик бошланади. Бу эса, кўп холларда, катта ғалаёнларга, фукаролар урушига, бир сўз билан айтганда, куролли можарога олиб келади. Мисол сифатида Африка, Жанубишарқий Осиёдаги воқеаларни келтириш мумкин.

Хўш, шундай мураккаб шароитда дунёнинг энг катта ва энг нуфузли ташкилоти қандай йўл тутаяпти? Албатта, унинг фаолиятига оид талай ижобий томонлардан кўз юмиб гокчилик ва бошка офатлар-

шилаш, илм-фан, маданият,

да халкаро хамкорликни ривожлантириш борасидаги



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ президенти ислом каримовнинг БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТКИ

Хурматли давлатлар ва хукуматлар рахбарлари!

Хонимлар ва жаноблар! Мингйиллик Ассамблеясида сўзга чикиш ва анжуманда мухокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуқтаи назаридан, бизнингча, гоят мухим ахамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Халкаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсагасида хамон жахон хамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб колмокда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда "совук уруш" асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва баркарорликка тахдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жахон сахнасига чикмокда.

Узбекистон БМТ фаолиятининг асосий тамойиллари-

Мухтарам раис жаноблари! дан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтакалар хавфсизлиги ва алохида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халкаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги хаммага

Кимки кандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошка бирон минтакага тааллукли дея "ўзга" давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд вокеликдан тамомила йирокдир — бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боглик ва ажрал-

Хаёт шуни кўрсатмокдаки, алохида худуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чикиб, можаролар гирдобига янги-янги худудлар хамда кучларни тортиб олади, минтакалараро ва давлатлараро хусусият касб этади.

гунги кунда халкаро террорчилик ва экстремистик кучларнинг тарқалиши хамда тажовузкорлик объектига айланиб бораётган Марказий Осиё минтакаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур кучларнинг узоққа мўлжалланган режалари — минтака давлатларини узил-кесил танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-

мустабид тузумларни ўрна-

тишдан иборат.

20 йилдан ортик вакт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афгонистон бу тахдиднинг асосий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афгонистон хозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони хамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халкаро террорчиликни озиклантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи - фабрикасига айланган.

(Давоми 2-бетда).

кин БМТ хозирги замон талабларига тўла мос равишда ишлай олаяптимикин? Бу саволга ижобий жавоб айтиш кийин. Барча хайрли тадбирларни ёдда тутган холда, БМТ хозиргача дунё халклари кутган "нажот қалъаси"га айлана олмаянти, дейиш мумкин. Бирор минтақа ё давлатдаги муаммонинг хал этилиши ўша давлатнинг иктисодий ва сиёсий тараққиёти, жўгрофий ўрни, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидан бири ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боглиқ бўлиб қолди. Косовони олайлик. Мазкур ўлкада чиккан можаро БМТнинг олдидан ўтилмасдан хам тезда бостирилди. Савол тугилади: Хўш, Афгонистонда давом этаётган йигирма йиллик урушга бархам беришга нега муносабат бошкача?

"Совук уруш" тугаганидан кейин инсоният энди хотиржам яшашга имкон пайдо бўлса керак, деб умид килган эди. Сўнгги йиллардаги вокеалар хотиржамликка хали эрталигини кўрсатаяпти. Халқаро террор, фукаролар урушлари авж олмокда. БМТ бу муаммоларнинг олдини ололмаяпти. Сабаб нимада? Аввало, таъкидланганидек, айрим давлатларнинг ўз миллий манфаатини бошқаларникидан устун қўйишида. Кейинги сабаблар БМТнинг ташкилий тузилишига боглик. Масалан, бирор муаммо бўйича қарор қабул қилиш керак бўлса, бундай жараён жуда чўзилиб кетади.

Нью-Йорк учрашуви "Мингйиллик саммити" деб аталгани бежиз эмас. Бир қарашда бу баландпарвоздек кўриниши мумкин. Лекин саммитнинг қандай мавзуда ўтганини эсласак, тадбир унчалик баландпарвоз туюлмайди: "БМТнинг янги мингйилликдаги ўрни". Бу ном ўзўзидан юкорида саналган ва кўпчиликка яхши маълум бўлмаган кўплаб муаммоларни эсга солади.

(Давоми 2-бетда).

#### Мамлакатимиз мустакилликка эришгач, юртимизда спортга катта эътибор қаратилаётганини бутун жахон кенг эътироф этаяпти. Истиклол йилларида йили ўнлаб спортчиларимиз жахон ва китьа биринчиликларида, халкаро туртон спортини тан олишга мажбур этаё-

Мамлакатимизда яна бир улкан спорт <u>байрами — "Президент кубоги" анъа-</u> навий теннис турнири бошланди. Еттинчи бор ўтказилаётган мазкур мусобақа айни пайтда хар бир профессионал тен-



## ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

11 сентябр куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур нуфузли анъанавий турнирнинг очилиш маросимида иштирок этиш учун Тошкентдаги "Юнусобод" теннис мажмуасига ташриф буюрди.

Давлатимиз рахбарини мамлакатимиз парламенти ва хукумати аъзолари, идора ва ташкилотлар рахбарлари, дипломатик корпус вакиллари, кўпдан-кўп спорт мухлислари олкишлар билан кутиб олдилар.

Президентимиз маросимда сўзга чиқиб, мазкур аньанавий халқаро мусобақа иштирокчиларини Ўзбекистон заминида яна бир бор самимий қутлаётганидан мамнуният изхор этди.

— Еттинчи бор ўтказилаётган "Президент кубоги" турнири спортнинг энг чироили турларидан бири хисобланадиган катта тенниснинг ёркин ва унутилмас байрами булишига ишонаман,-деди Ислом Каримов. — Хеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бундай мусобақалар ва уларда экстра тоифадаги шундай махоратли ўйинчиларнинг иштирок этиши фақат Узбекистонда эмас, бутун Осиё минтакасида тенниснинг ривожланиши ва оммалашувига катта туртки бўлди. Буни жахон спорт

жамоатчилиги хам тан ол-

Ўзбекистонда тенниснинг мисли кўрилмаган тараққиёти самараси ўларок, бугунги кунда юртимиз спортчилари хам жахон теннис юлдузлари сафидан жой олди ва ол-

Узбекистонда спортга

эътибордан кўзда тутилган олий максад - соглом авлодни вояга етказиш, миллат саломатлигини мустахкамлаш, қолаверса, шу йўл билан юртимиз донгини дунёга таратишдир. Тенниснинг тараққиёти ҳам халқимиз камолатига хизмат қил-

 Биз учун энг муҳими, теннис бугунги кунда, шакшубхасиз, Ўзбекистонда энг оммавий ва севимли спорт турларидан бирига айланди, - деди давлатимиз рахбари. — Айникса, у биз катта умид боглаетган фарзандларимиз учун, хаваскор спортчилардан то мохир теннисчиларгача, жуда кадрли булиб колди.

Президент Ислом Каримов турнирнинг барча ташкилотчилари, менежер, мураббий, мутахассис ва журналистларга мазкур теннис байрамининг қизиқарли ўтиши хамда оммавийлашувида катта хисса қўшаётгани учун мин-

натдорлик билдирди. Айни пайтда юртимизда мехмон бўлиб турган АТП Тур ижрочи директори Марк

Майлз Узбекистоннині спорт хаётидаги бундай ўзгаришларга шахсан гувох бўлди. У "Президент кубоги"нинг очилиш маросимида сўзга чикиб, дунёнинг бирор мамлакатида теннис бунчалик тез ривожланмаганини эътироф этди.

 Спортга Ўзбекистондагидек бекиёс эътиборни бошка жойда учратмаганман, -- деди у жумладан.

Шундай қилиб, мамлакатимизда улкан теннис байрами бошланди. Мухлислар бир неча кун давомида АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Нидерландия, Испания, Исроил, Марокаш каби дунёнинг кўплаб давлатларидан келган йирик спорт усталарининг беллашувларини томоша қиладилар. Мусобакаларда жахон профессионал теннисчилар таснифида юкори погоналарни эгаллаб турган Евгений Кафелников, Марат Сафин, Карлос Мойя. Грег Руседски, Седрик Пиолин сингари забардаст "катта ракетка" усталари ўзларининг юксак махоратларини намойиш этадилар.

Анвар КАРИМОВ, ЎзА мухбири. СУРАТЛАРДА: турнирнинг очилиш маросимидан лавхалар.

> А. ТЎРАЕВ, М. АМИН олган суратлар.



#### ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИДА **УЧРАШУВ**

Мамлакатимизда мехмон бўлиб турган Украина Бош вазири В. Юшченко бошчилигидаги делегация аъзолари ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан уч-

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иктисодий алокалар тобора ривожланиб бормокда. Хар томонлама хамкорлик буйина Узбекистон -Украина хукуматлараро кушма комиссиясининг фаолият кўрсатаёттани мазкур жараённинг баркарор фаоллашувини таъминлаётир.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иктисодий алокаларнинг бугунги ахволи ва истикболи тўгрисида сўз борди. Томонлар хамкорликни ривожлантириш максадида имзоланган хужжатларни хаётта татбик этишни тезлаштириш мухимлигини таъкидладилар. Бош вазирлар Узбекистон — Украина хукуматлараро кушма комиссиясининг пойтахтимизда ўтказилажак тўртинчи мажлисида кўриладиган масалалар борасида фикр алмацдилар.

Ўзбекистон ва Қорақалпогистон халқ ёзувчиси, Хамза номидаги Узбекистон, Бердақ номидаги Қоракалпогистон давлат мукофотлари сохиби Тўлепберген Қаипбергенов қорақалпок адабиёти деб номланган ажиб богда бўй тиклаган азим чинор, бугунги туркий халқлар адабиётининг забардаст вакилларидан бири, фаол жамоат арбоби хисобланади.

Тўлепберген Қаипбергенов адабиётимизга эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида «Котиб», «Рахмат, муаллим» қиссалари билан кириб келди. «Бир совук томчи» қиссаси эса Абдулла Қаххордек талабчан устознинг назарига тушди. Шундан буён ёзувчининг қоракалпок тилида 28 та, ўзбек тилида 18 та, рус ва жахоннинг бошқа тилларида 37

та китоби нашр этилди. Унинг «Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар» ва «Гум-

кўринишида берилмокда.

рохлар» романларидан иборат «Корақалпоқ достони» трилогияси ўзига хос такдирга, машаққатли тарихга эга қорақалпоқ халқининг бетакрор солномасига, таъбир жоиз бўлса, насрий шаходат-

Кечаги шанба куни улкан ёзувчи, фаол жамоат арбобининг мухлислари, кўп сонли адабиётимиз намояндала-

ри, узоқ ва яқиндан келган мехмонлар Қорақалпоғистон пойтахтига тўпландилар. Бернасримизнинг

## чинори номасига айланди. Бундан ташқари «Уйқусиз

тунлар», «Коракалпок кизи», «Кўз қорачиғи», «Қорақалпоқнома» каби насрий, «Бердақ», «Ойдўс бобо», «Фамилия» («Хеопс эхроми») драматик асарлари, ўнлаб публицистик чикишлари билан Тўлепберген Қаипбергенов бугунги адабиётимизга ажойиб дурдоналар қўшди ва қўшмоқдак номидаги Коракалпогистон давлат мусикали драма театри биносида Тўлепберген Қаипбергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Ана шу табаррук сана муносабати билан ёзувчи мухтарам Президентимиз Фармонига биноан «Эл-юрт хурмати» ордени билан му-

кофотланган эди. Тантанали кечани Кора-

Бугун Иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясида

маъқулланган қонун лойихаларини, шунингдек, парламент томонидан қабул қилинган

конунларни чоп этишни бошлаяпмиз. Матнлар газетамизнинг ички бетларида рисола

калпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиев очди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси А.Мелибоев сўзга чикиб. юбилярни табриклади ва Юртбошимизнинг совгасини топширди. Сўнг Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Т.Атамуратов адибнинг ижоди ва ижтимоий фаолияти тўгрисида маъруза килди. Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қахрамони Абдулла Орипов адибнинг ажойиб асарлари, унинг Қорақалпогистон Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида олиб бораётган баракали ишлари тўгрисида тўхталди. Ёзувчининг хамкасблари, олимлар, жамоатчилик вакиллари адиб хакида дил сўзларини айтдилар.

Янгибой КЎЧКОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чунки, неча бор таъкид-

## ЮРТГА ҚАЙТИШ имкони

Фармонни ўкиб...

XX аср охирларида терроризм дунёдаги кўплаб мамлакатлар хаётига катта хавф солмокда, ўнлаб-юзлаб инсонларнинг бевақт халокатига сабаб бўлмокда. Зеро, терроризмнинг кўзи кўр, кулоги кар: у на Ватанни, на ота-онани танийди, на гўдак чинкиригини эшитади. Наркотик моддаларнинг шираси унинг кўзини кўр килган, нафс балоси эса кулогини том би-

йўк, дину иймони йўк.

Минг таассуфлар булсинки, халқаро терроризмнинг қадамлари мамлакатимиз сархадларига хам етиб келди. Уларнинг бир тўда гумашталари Сариосиё ва Узун туманларида яшаётган тинч ахолининг халоватини бузди. Тўгри, улар деярли йўк қилинди, аммо халқимиз қалбида ўша кунларнинг аччик асоратлари колди.

Яна бир ачинарли томони бу террорчи гурухларнинг

таркибига баъзи бир адашган фарзандларимиз хам кириб колганлигидир. Шу маънода мамлакатимиз Президентининг «Террорчи гурухлар таркибига кириб қолған Узбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўгрисида» Фармонининг ахамияти бекиёс. Бу мамлакатимиз рахба-

ри юритаётган инсонпарварлик сиёсатининг навбатдаги боскичидир. Юртбо-

(Давоми 2-бетда).

# ЖАХОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Афгонистон билан чегарадош худудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна г опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чикиш учун энг киска ва қулай йўлларга — коридорларга айланмокда. Шу биргина мисолда

замонамиз вокелигининг икки мудхиш ходисаси халкаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халкаро хамжамиятга мурожаат килмокчиман: Афгонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтакаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жахон хавфсизлигига хам тахдид-

Афгон муаммосини тинч йўл билан тезда хал этилишини таъминлаш, жафокаш афгон халқига ўз заминида узок вакт орзикиб кутилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Афгонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган холда шуни таъкидлашни истардимки, БМТ шафелиги остидаги "6+2" гурухига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июл ойида қабул қилинган "Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан хал этишнинг асосий тамойиллари тўгрисидаги Тошкент декларацияси" ўз долзарблигини саклаб колмокда ва асосий карама-карши томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш жараёни учун қилиши мумкин.

БМТ доирасидаги сиёсий чоралар билан бирга хозирданок Афгонистонда низолардан сўнгги тинч хаётни ташкил этиш, уни иктисодий ва ижтимоий тиклашга доир кенг кўламли дастур ишлаб чикиш

Хонимлар ва жаноблар!

Халкаро хамжамият томонидан халкаро террорчиликнинг ўсиб бораётган хавфига қарши курашни кучайтиришнинг долзарблиги ва мухимлиги тўгрисида сўз кетар экан, Ўзбекистон БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннинг 2000 йилда БМТ доирасида террорчиликка қарши халкаро анжуман ўтказиш тўгрисидаги таклифини маъ-

Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган. йўналтираётган хамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошка имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган такдирдагина унга қарши туришимиз мумкин.

Бу кучлар кимёвий, биологик ва бошка оммавий кирғин қуролларини қўлга киритса, дунёда қандай вазият юзага келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин.

Шу жиҳатдан "Катта саккизлик" давлатларининг террорчилик фаолиятини молиялаш манбаларини йўқ қилиш тўгрисидаги келишувининг сўзда эмас, амалда бажарилиши мухим ахамият касб

Мазкур минбардан туриб, мен Европада хавфсизлик ва хамкорлик кенгашининг Истамбул саммитида БМТ доирасида Террорчиликка қарши кураш халкаро марказини тузиш тўгрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Узбекистон ядро куролини тарқатмаслик ва қуролсизланишга доир халқаро тартибга барча давлатлар қатьий ва сўзсиз риоя қилиши тарафдоридир. Бусиз глобал микесда хам, минтақавий миқёсда ҳам стратегик барқарорликка эришиб

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд барпо этиш тўгрисидаги ташаббуси ахамиятини янада оширади ва уни тезда

халқаро-хуқуқий жихатдан қонунлаштириш заруратини илгари суради. Биз БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннинг ядросиз худуд тўгрисидаги минтакавий шартнома лойихасини якунлаш устида иш олиб бораётган минтакавий экспорт гурухини қўллабкувватлашга доир саъй-харакатларига юқори баҳо бера-

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атроф мухит масалаларини четлаб ўтиш мумкин

Мен БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбаридан Орол денгизи хавзаси муаммолари тўгрисида бир неча бор гапирганман. Орол муаммоси Марказий Осиё худуди доирасидан чикиб кетди ва жахоншумул ахамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иклим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида. ахоли саломатлиги ва бўлгуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин.

Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа худудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммога бефарклик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён.

Экологик хавфсизлик сохасидаги халкаро хамкорликка кумак бериш, халкаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблагларини жалб этиш максадида БМТнинг Атроф мухит буйича дастури хузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф

Хурматли жаноб раислар! Замонавий тахдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккаб вокелик ва унинг истикболдаги ривожига динамик мувофиклаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чикили-

шини такозо этади. БМТни ислох килиш деганда биз. энг аввало, унинг минтакавий ва глобал муаммоларни хал этишдаги ўрни ва ахами-

Бу жихатдан, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

ятини ошириш бўйича чора-

тадбирлар дастури қабул

килинишини тушунамиз.

БИРИНЧИДАН, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичмабоскич ислох килиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафакат ривожланган балки ривожланаётган давлатлар хисобидан хам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг хам доимий, хам муваққат аъзолари сонини ошириш максад-

га мувофик. Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жахон сиёсатида мухим рол ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошка кўплаб лойиха ва дастурларни молияловчи асосий хомийлар хисобланади;

ИККИНЧИДАН, глобал ва минтақавий тахдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш зарур:

УЧИНЧИДАН, Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан хал этиш воситалари хамда механизмларидан, шу жумладан, узоқ вакт давом этаётган можароларни бартараф этишда "тинчликка мажбур қилиш" деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва маъсулиятини кучайтириш лозим.

Сўзимнинг якунида, ижозатингиз билан. Саммит раислари — Намибия Республикаси президенти жаноо Сэм Нуеомани, Финляндия Республикаси президенти Тарья Халонен хонимни ушбу масъулиятли лавозимга сайлангани билан табриклайман. Саммит фаолияти самарали бўлади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун рах-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутки кизгин карши олинди. У энг долзарб миллий ва дунёвий муаммоларни очиб берди ва талай янги ташаббусларни илгари сурди. Аввало, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик кенгаши сафини кенгайтирмок керак, деди Узбекистон рахбари. Яъни БМТнинг энг катта нуфузга эга органида имкон кадар кўпрок давлатлар овозга эга булиши керак. Бунда доимий аъзолар билан бирга, нодоимий аъзолар сонини хам купайтириш максалга мувофикдир. Ислом Каримов бу ислохотни боскичма-боскич амалга ошириш жоиз эканини таъкидлар экан, доимий аъзолар каторига Германия ва Япония кушилишини таклиф этди. Мазкур икки мамлакат

'Катта еттилик" сафига қўшилганининг ўзиёқ уларнинг дунё иктисодиёти ва сиёсий хаётида нечогли мухим ўрин тутишини кўрсатади. Узбекистон мисолида олиб қараганда ҳам, уларнинг салохияти яққол намоён бўлади. Япония хам, Германия хам мамлакатимиздаги улкан лойихаларда фаол иштирок этиб келаяпти. Иккинчи томондан Германия ва Япония БМТга энг кўп бадал тўлайдиган давлатлар сирасига киради. Демак, ташкилотнинг кўплаб тадбирлари шу мамлакатлар маблаги хисобига молиялаштирилади. Мантикан олиб қараганда, Хавфсизлик кенгашида улар ўз овозига эга бўлиши керак.

Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолари сонини кўпайтириш хам ташкилот фаолияти самарадорлигини оширади. Зеро, факат ривожланган давлатларнинг нуқтаи назари билан қабул килинган карорлар бошка мамлакатларнинг манфаатига мос келмаслиги мумкин. Шу боис БМТ фаолиятида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кенгайтирмок даркор. Презилент Ислом Каримов

БМТ Хавфсизлик кенгаши фаолияти билан боглик яна бир ташаббусни илгари сурди. Яъни бу органнинг мавкеини кутариш ва масъулиятини ошириш жоиз. Бунда кўзда тутилаётган жихат шуки, қуролли можароларнинг олдини олиш ё уларни бостиришда Хавфсизлик кенгаши ўта кескин чораларни кўллаш, хусусан, "муросага мажбурлаш" механизмини ишга солиш хукукига эга булиши керак.

Дунёвий муаммолар хакида сўз борар экан, Орол денгизининг халокатини

мумкин эмас. Ислом Каримов бу факат Ўзбекистон ё Марказий Осиёнинг муаммоси эмаслигини яна бир бор таъкидлади ва БМТнинг Атроф мухит бўйича дастури хузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш

тузишни таклиф этди. Дунёда ялпи хавфсизлик ўрнатиш учун экология, сиёсат ва иктисодиёт сохаларилаги масалалар каторида куролсизланишга хам жиддий эътибор бериш керак. Узбекистон Президенти бир неча йил илгари Марказий Осиёни ядро куролидан холи зона, деб эълон килиш ташаббуси билан чикканди. Ислом Каримов Нью-Йорк саммитида бу хусусда тўхталар экан, БМТ Бош котибининг ядро куролидан холи зона тугрисилаги хужжат лойихаси устида ишлаётган мутахассисларни куллаб-кувватлаганини юкори бахола-Нихоят, "Мингйиллик сам-

мити"да кўтарилган энг дол-

зарб масала - Афгонистондаги уруш ва унинг оқибатлари ҳақида билмаган одам кам. Айникса, Марказий Осиё бу муаммодан катта зарар кўраяпти. Террор, айирмачилик, экстремизм, қуролярог ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш минтака мамлакатлари тараққиёт йўлида сарфлаши керак бўлган маблагнинг маълум қисмини ўзига сингдириб юбораяпти. Афсуски, Косово, Босния ва Герцеговина можароларини тезкорлик билан бостиришга фаол бош қушган Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар Афгонистон муаммосига келганда деярли эътиборсиз. Вахоланки, хеч бир уруш узок вакт давомида бир мамлакат доирасида қолмайди. Африкадаги асли келиб чикиши оддий фукаролар уруши бўлган можароларга бир неча давлатлар аралашиб кетгани, афгон зиддиятининг таъсири эса нафакат Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ёки Хиндистон, балки АКШда хам намоён бўлаётгани буни тасдиқлайди. АКШнинг Кения ва Танзаниялаги элчихоналари якинила портлаш содир этиб, юзлаб одамларнинг хаётига зомин бўлган халкаро террорчи Усама бин Лодин афгон тупро-

булмас далиллардан биридир. Ислом Каримов Узбекистон ташаббуси билан тузилган "6+2" гурухининг "Тошкент декларацияси" ўз долзарблигини йўқотмагани, Афгонистонда ўзаро урушаётган томонлар ўртасида музокара бошлаш учун мухим асос бўлишини таъкидлади. Давлатимиз рахбари, шунинг-

гидан кўним топгани бу

фикрни исботловчи инкор этиб

тараф этиш борасида Ўзбекистон хар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шу билан бирга, яхши ният билан, Афгонистонда уруш тўхтамаган бўлса-да, БМТ доирасида бу мамлакатни иктисодий, ижтимоий жихатдан тиклаш бўйича кенг дастур ишлаб чи-

киш лозимлигини таъкидлади. Узбекистоннинг халкаро майдондаги фаоллиги тобора ортмокда. Бу мамлакатимизнинг нуфузини ошириб. халкаро хамжамият аъзоларининг Ўзбекистонга ишончини мустахкамламокда. Мамлакатимиз "Мингйиллик ассамблеяси" раиси ўринбосарлигига сайлангани буни яна бир карра тасдиклади.

Ислом Каримовнинг Нью-Йорк сафари учрашувларга бой булди. Дастлаб АКШ Президенти Билл Клинтоннинг "Мингйиллик саммити" иштирокчилари шарафига уюштирган қабул маросимида Оқ уй рахбари билан мулоқот бўлиб ўтди. АҚШ Президенти Б.Клинтон Ислом Каримовни Нью-Йоркка ташрифи билан қутлар экан, Узбекистон хакида кўпгина ижобий фикрларни баён қилди. Давлатимиз рахбари мезбонга Ўзбекистонга ташриф буюришини таклиф этди. Кабул маросимида Ислом Каримов Япония Бош вазири

Иосиро Мори билан ҳам суҳ-БМТ минбарида нутқ сўзлаганидан кейин Ўзбекистон Президенти Туркия рахбари Ахмет Неждет Сезер билан учрашди. Сухбат чоғида Марказий Осиёдаги вазият тахлил қилинди. Минтақавий хавфсизлик масалалари кўриб чикилди. Туркия Президенти ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги, суверенитетини химоя қилиб, халқаро террорчиларга қарши курашаётган Узбекистонни қўллаб-қувватлашини ва бу борада ўз мамлакати юртимизга зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини айтди.

Исроил Бош вазири Эхуд Барак билан учрашувда Яқин Шаркда тинчлик ўрнатиш ва икки томонлама иктисодий хамкорликка оид масалалар куриб чикилди. Ислом Каримов Якин Шарк муаммосини куч ишлатиш йўли билан ечиш мумкин эмаслигини айтли. Икки томонлама алокалар масаласида эса бу борадаги хамкорликни янада кенгайтириш хусусила фикрлашиб олинли

Презилентимизнинг Америка олий ислом кенгаши раиси шайх Мухаммад Хишом Каббоний хамда дунё накшбандия тарикати издошларининг рахбари шайх Мухаммад Нозим Одил ал-Хакконий билан учрашуви хам гоят самарали кечди. Кабул чогида уламолар, динни никоб килиб, одамларнинг тинчини бузаётган террорчиларнинг харакатини кескин қоралади. Дунё мусулмонлари орасида катта нуфузга эга бўлган мазкур кенгаш ислом ақидалари ва гояларини тўгри талқин этиш, бу борада таргибот ва ташвикот ишларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Нью-Йоркда кечган гоят мухим мулокот АКШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан бўлди. Учрашувда Мадлен хоним Узбекистондаги ва минтакадаги вазиятни, кечаётган вокеаларни энди, якинда юртимизга келиб-кетганидан сўнг, янада теранрок англаб етганини айтди. Маълумки, бу йил АҚШ давлат департаменти ўта хавфли террорчилик ташкилотларининг йиллик рўйхатига ўзини "Ўзбекистон ислом харакати" деб атаётган бир гурух жиноятчилар тудасини хам қушган. Аслида беватан, қонхўр, мақсаду матлаби бўлмаган жангариларнинг аллақандай гурухини "ҳаракат" дейиш ҳам нотўгри. Чунки ўзини гўё Узбекистон ислом харакати" вакиллари, деб атаётган кимсаларнинг фикри ва феъли хакикий диндан жуда йирок. АКШ давлат котиби ўз мамлакати уларга қарши курашда Узбекистонга хар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Террор айни кунда нафақат Узбекистон, балки дунёдаги қарийб барча давлатларни ташвишга солмокда. Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик ташкилотининг сўнгги саммитида кўтарилган гояни БМТ минбаридан туриб ҳам айтди. Яъни, БМТ доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш маркази тузиш керак. Бу офатга қарши якка холда курашдан наф кам. Халкаро микёсдаги кураш эса террорнинг ижрочиларинигина эмас, манбасини хам йўк килиш имконини беради.

Шундай қилиб, БМТнинг иккинчи мингйилликдаги сўнгги саммити, умуман, инсоният тарихидаги энг йирик олий даражадаги учрашуви тугади. Узбекистон рахбари унда гоят долзарб ташаббусларни илгари сурли. Саммит доирасида кўплаб самарали учрашувлар ўтказди. Бу хайрли ташаббуслар ва учрашувлар албатта ўз натижасини беражак.

Анвар БОБОЕВ, УзА махсус мухбири. Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент.

# САМИМИЙ КУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари Миллий байрам муносабати билан Италия халки ва шах-сан ўз номимдан Узбекистон халкига гуллаб-яшнаётган истикболни тилаб билдирган қизғин истакларни йўллаш мени гоят мамнун этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва хамкорлик муносабатлари келгусида Европа кооперацияси доирасида тобора ривожланиб боришини истайман.

Мен бўлажак учрашувимиздан хурсандман, бу учрашув Италия билан Ўзбекистонни боглаб турган дўстлик ришталарини яна хам кўпрок мустахкамлаш имконини бера-

Сиз, Жаноби Олийларига шахсий омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Карло Адзельо ЧАМПИ, Италия Республикаси Президенти.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Узбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг гоят самимий кутловларимни изхор этишдан багоят мамнунман. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизга омонлик Узбекистон Республикаси халқига эса бахтли истикбол

тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Томас КЛЕСТИЛЬ Австрия Республикаси Федерал Президенти.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Миллий байрам куни муносабати билан гоят самимий кутловларимни хамда шахсан Сизга бахт-саодат, Узбекистон халқига эса равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изхор этишга ижозат бергайсиз. Олавур Рагнар ГРИМССОН,

Исландия Президенти.

#### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мустакиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекис тон Республикаси халкига самимий кутловлар хамда фаровонлик ва равнак, шунингдек, шахсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларни йўлламокчиман. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги муно сабатлар умумий кизикишга молик барча сохаларда бун дан буён хам ривожланиб, мустахкамланиб бораверади. Жаноби Олийлари, Сизга бўлган бағоят юксак эхтиро-

мимни лутфан қабул қилгайсиз. Борис ТРАЙКОВСКИЙ, Македония Республикаси Президенти.

Бразилиядаги, Австралиядаги, қўйинки, бутун дунёдаги теннис мутахассислари, ишқибозларига бирдек маълум. Улар шу сўзларни талаф-

фуз қилар эканлар, аввало, жаннатмакон диёримизни, кўз олдиларига келтиришлари аник «Президент кубоги —

1999» жахоннинг 32

«Uzbekistan, Tashkent,

Yunusabad stadium!». Бу

жумла айни кунда Амери-

ка Кўшма Штатларидаги

ёхуд Аргентина ва

мамлакатида ўтадиган 71 та АТП турнирлари орасида йилнинг энг яхши мусобақаси деб эътироф этилди. Бу хеч бир соха спортчалик мамлакатни дунёга тез танита олмайди, деган хакикатни яна бир бор тасдиклайди. Шунинг учун ҳам эндигина 9 ёшга тулган республикамизда шахсан Юртбошимиз ғамхурлигида спортни, хусусан, теннисни ривожлантиришга хукумат микёсида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз спортчиларининг сўнгги йилларда халқаро майдонда эришаётган кўплаб ютуклари ана шу эътиборнинг самараси десак, муболаға бўлмас.

Еттинчи бор ўтказилаётган Президент кубогининг нуфузи, кўлами, обрўйи йилданйилга ошиб бораётганини нафакат биз, балки хорижий спортчилар хам

# **AYHË TEHHNCHHNH** <u>ТОЖДОРЛАРИ</u>

#### Тошкент кортларида беллашаётирлар



таъкидлашаяпти. Президент кубогида иштирок этиш мен учун катта мамнуният бахш этади, — дейди Буюк британиялик Грег Рузецки. — Ўзбек мухлисларидан қарздор бўлганим учун хам бу йил яна бир бор Узбекистонга ташриф буюрдим. Чунки ўтган турнирда уларнинг куллаб-кувватлашига яраша ўйин кўрсата олмагандим. Бу гал Тошкент кортларида нимага қодирлигимни намойиш эта оламан, деган умиддаман. Бу йилги турнирнинг

умумий мукофот микдори 525 минг АКШ долларини ташкил этади. Шундан 70 минги мусобака голибига тегади. 41 минг 400 АҚШ доллари эса финал беллашуви иштирокчисига берилади. Мазкур мусобақада мамлакати-

миз шарафини Олег Огородов ва Вадим Куценколар химоя килишади.

Куръа натижаларига кўра Олег россиялик ёш теннис юлдузи Марат Сафинга қарши кортга тушади. Айтгандай, куни кеча Марат Россия тенниси тарихида илк бор «US open» турнирининг мутлок голиби бўлди. Финалда у Пит Сампрас (АҚШ)ни уч сетда (6/4, 6/3, 6/3) маглубиятга учратди ва дунё теннисининг тождорларидан бирига айланди. Марат Президент кубогини кўлга киритиш учун хам катта имкониятга эга. Агар шундай бўлса, у рейтинг жадвалида асосий ракибларидан анча олдинлаб кетиши

О.РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда).

шимизнинг 1999 йилда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида шундай сатрлар бор: «Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўгри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятлар берди. Узининг багрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик мо-

хиятини яна бир карра тасдиклади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фукароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир».

Янги Фармон эса ана шу йўлнинг мантикий давоми, инсонпарвар жамиятнинг ўзбекнинг феъли янглиғ багрикенглик ва кечиримлилик кўринишларидир.

Ислом Каримов «БМТнинг Мингйиллик саммити»да иштирок этиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетиш олдидан аэропортда журналистларга берган интервьюсида ҳам бу мавзуни кенг шархлади. Бу хужжатнинг мохияти айрим хорижий мамлакатларда, хусусан, Афгонистон ва Тожикистондаги террорчи гурухлар сафига адашиб кириб қолган ватандошларимизни ўз айбига икрор бўлиб, юртига қайтиб келишлари учун яна бир имконият беришдан иборат эканлигини таъкидлади. «Уларнинг бировлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолишини ва алал-оқибатда ит ўлими топишини истамайман, - деди Юртбошимиз. — Аксинча, бундай

адашган йигитлар ота-онаси, қариндош-уруғи ва яқинлари багрига қайтсин. Бугун Ўзбекистон халқи қандай яшаётган бўлса, шундай ҳаёт кечирсин»

Ўзбекистон халқи эса бугун истиклол берган имкониятлар туфайли катта бунёдкорлик ва тарихий ўзгаришлар оғушида яшамоқда. Мамлакатимизда 9 йил мобайнида мисли кўрилмаган янгиланишлар содир бўлди.

ЮРТГА ҚАЙТИШ имкони

> Биз буни ҳаётимизнинг барча жабхаларида - иктисодиётда хам, сиёсатда хам, ижтимоий ва маънавий юксалишларда ҳам кўраяпмиз. Буни нафакат ўзимиз, балки мамлакатимизга келиб, ислохотларимиз куртакларини ўз кўзлари билан кўриб, хайратини яширолмаётган чет эллик мутахассислар хам эъти-

роф этишмокда. Ана шундай улуг ишларимизни кўролмаётган баъзи бир кимсалар ҳар хил чиркин ниятлар жазаваси билан тинчлигимизга, ҳаётимизга хавф солишга уринмокдалар. Ёшларимизни, хали суяги қотмаган фарзандларимизни йўлдан адаштиришга интилмокдалар.

Юртбошимизнинг ушбу Фармони йўлдан адашган баъзи бир юртдошларимиз учун она юртга қайтиш, унинг тинчлиги ва ободлиги йўлида фидойи мехнат қилишга каратилган улуғ бир даъватдир. Зеро, бу даъват бугунги

